ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

352 Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш механизми тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2692

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» ги, «Банклар ва банк фаолияти тўгрисида» ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ−2344-сонли «Тижорат банкларининг молиявий баркарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) буйича фоиз ставкаларини шакллантириш механизми туррисидаги низом иловага мувофик тасдиклансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



26 (682)-сон — 93 — 352-модда

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2015 йил 13 июнь, 14/1-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/1-сонли қарорига ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) буйича фоиз ставкаларини шакллантириш механизми турисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» ги, «Банклар ва банк фаолияти тўгрисида» ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ—2344-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги қарорига мувофиқ тижорат банкларининг (бундан буён матнда банклар деб юритилади) жалб қилинадиган депозитлари (омонатлари) буйича фоиз ставкаларини шакллантириш қоидаларини белгилайди.

1-боб. Умумий коидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ўртача тортилган фоиз ставкаси — банклар томонидан хисобот даврида миллий валютада жалб қилинган юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлари ҳамда жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли омонатлари, шунингдек банк пластик карталаридаги маблағлар бўйича белгиланган йиллик фоиз ставкалари ҳамда умумий депозитлар (омонатлар) суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган фоиз ставкаси;

хисобот даври — йилнинг хар бир чораги якуни буйича олинган давр.

- 2. Ушбу Низом талаблари банклар томонидан юридик ва жисмоний шахслардан миллий валютада жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар)га татбиқ қилинади.



352-модда

буйича фоиз ставкаларини ушбу Низом талаблари асосида белгилашда мустақилдирлар.

4. Банклар ушбу Низом талабларидан келиб чиқиб, депозит ва фоиз сиёсатларига тегишли ўзгартиришларни киритишлари лозим.

Ушбу Низом талаблари банклар томонидан аввал жалб қилинган депозит (омонат) шартномалари буйича белгиланган фоиз ставкаларини ўзгартириш учун асос булмайди.

2-боб. Банклар томонидан жалб этиладиган депозитлар (омонатлар) буйича фоиз ставкаларини шакллантириш сиёсатига қүйиладиган талаблар

- 5. Банкларнинг депозитлар (омонатлар)ни жалб қилиш соҳасидаги фаолияти, шу жумладан жалб қилинган депозитлар (омонатлар)га фоиз ставкаларини белгилаши, депозитлар (омонатлар)ни ва уларга ҳисобланган фоиз туловларини банк ва мижоз уртасида тузилган депозит (омонат) шартномаларига мувофиқ уз вақтида қайтариши банкларнинг депозит ва фоиз сиёсатларига мувофиқ амалга оширилади.
- 6. Банклар жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) буйича фоиз ставкалари даражасини Марказий банк қайта молиялаш ставкаси ҳамда инфляция даражасининг сунгги йиллардаги узгаришидан келиб чиққан ҳолда белгилайдилар.
- 7. Марказий банк банк омонатчилари, қарз олувчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, депозитлар (омонатлар) буйича фоиз ставкаларининг асоссиз усишини олдини олиш ва шу билан боғлиқ ҳатарларнинг юзага келишига йул қуймаслик ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда банкларнинг депозитлар (омонатлар) буйича фоиз ставкалари даражасини мониторинг қилиб боради.

Бунда, Марказий банк депозитлар (омонатлар) буйича ўртача тортилган фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасидан ошган банкларда фоиз сиёсатининг, шу жумладан фоиз даражасининг асосли эканлигини аниқлаш мақсадида мазкур банкларнинг фоиз сиёсатини ва молиявий холатини алохида ўрганиб чиқади.

8. Марказий банк муайян бир банкнинг жалб қилинган депозитлари (омонатлари) буйича ўртача тортилган фоиз ставкасининг асоссиз равишда юқорилигини, мазкур банкнинг:

активлари ва капитали рентабеллиги даражаси;

фоизли даромадларининг ялпи даромаддаги улуши ва активларга нисбати; фоизли даромадларнинг фоизли харажатларга нисбати;

фоизли харажатларнинг умумий мажбуриятларга нисбати;

жалб қилинаётган маблағларнинг айланиш муддатлари ва банк активларининг рентабеллиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги;

омонатга жалб қилинаётган маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлиги даражаси каби курсаткичларга таъсирини ҳамда банк тизими буйича



26 (682)-сон — 95 — 352-модда

ўртача кўрсаткичлардан пастлиги ёки юқорилигини танқидий кўриб чиқади ва таҳлил қилади.

- 9. Банкларда депозитлар (омонатлар) буйича уртача тортилган фоиз ставкаси асоссиз ошган холатлар аникланганда Марказий банк мазкур банклардаги уртача фоиз ставкаларининг даражасини макбуллаштириш (пасайтириш) буйича банкларга курсатма беради.
- 10. Банклар томонидан миллий валютада жалб қилинган депозитлар (омонатлар) буйича ўртача тортилган фоиз ставкасини хисоблаш ушбу Низомнинг иловасига мувофик банклар томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) буйича ўртача тортилган фоиз ставкасини хисоблаш методикаси асосида амалга оширилади.
- 11. Марказий банк ҳар чоракда банклар томонидан жалб қилинган депозитлар (омонатлар) буйича уртача тортилган фоиз ставкалари ҳисобини уларнинг маълумотлари асосида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасигача амалга оширади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

- 12. Банклар ҳар чоракда жалб ҳилинган депозитлар (омонатлар) ва улар буйича фоиз ставкалари турисидаги ҳисоботларни юритади ва Марказий банкка такдим этади.
- 13. Хисоботлар консолидациялаштирилган ҳолда тайёрланиши, банкнинг барча филиалларидаги депозитлари (омонатлари) тўгрисидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олиши ҳамда банк Бошқаруви раиси ва тегишли бўлинма раҳбари томонидан имзоланган бўлиши лозим.
 - 14. Ушбу Низом Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси Бош директори

С. АБДУЛЛАЕВ

2015 йил 13 июнь



Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) буйича фоиз ставкаларини шакллантириш механизми туррисидаги низомга ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) бўйича ўртача тортилган фоиз ставкасини хисоблаш МЕТОДИКАСИ

Тижорат банклари томонидан миллий валютада жисмоний шахслардан (талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва банк пластик картадаги маблағлар) ҳамда юридик шахслардан (жамғарма ва муддатли) жалб қилинган депозитлар буйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисоблаб чиқилади.

Уртача тортилган фоиз ставкаси жалб қилинган ҳар бир депозит (омонат) тури буйича фоиз ставкасини унинг суммасига купайтириб, жами жалб қилинган депозитлар (омонатлар) миқдорига булиш орқали қуйидагича ҳисобланади:

Депозит (омонат) турлари	Депозит суммаси	Фоиз ставкаси
Жами депозитлар, шу жумладан:	V _{жами}	P_{AV}
І. Жисмоний шахсларнинг депозитлари:	V _{жис. жами}	Ржис. ўрт. тортилган
талаб қилиб олгунча омонатлар ва банк пластик картадаги маблағлар;	V_1	\mathbf{P}_1
жамғарма омонатлари;	V_2	P_2
муддатли омонатлар;	V_3	P_3
П. Юридик шахсларнинг депозитлари:	V _{юр. жами}	Рюр. ўрт. тортилган
жамғарма депозитлари;	V_4	P_4
муддатли депозитлар.	V_5	P_5

$$\mathbf{P}_{\mathrm{AV}} = \frac{(\mathbf{V}_1 * \mathbf{P}_1 + \mathbf{V}_2 * \mathbf{P}_2 + \mathbf{V}_3 * \mathbf{P}_3 + \mathbf{V}_4 * \mathbf{P}_4 + \mathbf{V}_5 * \mathbf{P}_5)}{(\mathbf{V}_1 + \mathbf{V}_2 + \mathbf{V}_3 + \mathbf{V}_4 + \mathbf{V}_5)}$$
 бу ерда,

 P_{AV} — ўртача тортилган фоиз ставкаси;

 $V_1, V_2, ...V_n$ — n та шартнома битими бўйича жалб қилинган депозитлар (омонатлар) суммаси;

 $P_1,\ P_2,\ ...\ P_n$ — n та шартнома битимида ўрнатилган йиллик фоиз ставкалари.



26 (682)-сон — 97 — 352-модда

Мисол учун:

1.

T/p	Депозит тури	Депозит микдори (млн сўм)	Фоиз ставкаси (йиллик %да)
1.	Талаб қилиб олингунча	100	0
2.	Банк пластик картадаги маблағлар	50	0
	Жами:	150	0

2.


T/p	Депозит тури (жамғарма)	Депозит микдори (млн сўм)	Фоиз ставкаси (йиллик %да)
1.	«Баркамол авлод»	20	13
2.	«Болалик»	11	10
3.	«Ёшлик»	5	9
	Жами:	36	11,5

$$egin{align*} egin{align*} (20*13\%) + (11*10\%) + (5*9\%) \\ \hline 20+11+5 \end{array} \end{bmatrix} = 11,5\% \end{aligned}$$

3.

T/p	Депозит тури (муддатли)	Депозит микдори (млн сўм)	Фоиз ставкаси (йиллик %да)
1.	«Қалдирғоч» (6 ойлик)	10	12
2.	«Қалдирғоч» (9 ойлик)	15	13
3.	«Коммунал»	25	14
4.	«Навбаҳор»	5	11
	Жами:	55	13,1

$$reve{\mathbf{У}}$$
ртача тортилган фоиз ставкаси = $\frac{(10*12\%) + (15*13\%) + (25*14\%) + (5*11\%)}{10+15+25+5} = 13,1\%$





352-модда

4. Жисмоний шахслардан жалб қилинган омонатлар буйича ўртача тортилган фоиз ставкасини аниқлашда талаб қилиб олингунча ва банк пластик картадаги маблағлар миқдорининг муддатли ва жамғарма омонатлар миқдоридан ошмаган қисми ҳисобга олинади.

T/p	Омонат тури (жисмоний шахслар)	Омонат микдори (млн сўм)	Ўртача фоиз ставкаси
1.	Талаб қилиб олгунча омонатлар	100	0
2.	Банк пластик картадаги маблағлар	50	0
3.	Жамғарма омонатлари	36	11,5
4.	Муддатли омонатлар	55	13,1
	Жами:	241	6,2

$$raket{Уртача тортилган}$$
 $=$ $\frac{(91*0\%) + (36*11,5\%) + (55*13,1\%)}{91 + 36 + 55} = 6,2\%$

5.

T/p	Депозит тури (юридик шахслар)	Депозит микдори (млн сўм)	Ўртача фоиз ставкаси
1.	Жамғарма депозитлари	25	4
2.	Муддатли депозитлар	35	6,5
	Жами:	60	5,5

Жами жалб қилинган депозитлар (омонатлар) бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси:

Депозит (омонат) турлари	Депозит суммаси	Фоиз ставкаси
Жами депозитлар, шу жумладан:	$V_{_{ m жами}}$	P_{AV}
І. Жисмоний шахсларнинг омонатлари:	$V_{\text{жис. жами}} = 182$	Ржис. ўрт. тортилган =6,2
талаб қилиб олгунча омонатлар ва банк пластик картадаги маблағлари;	$V_1 = 91$	$P_1 = 0$
жамғарма омонатлари;	$V_2 = 36$	$P_2 = 11,5$
муддатли омонатлар.	$V_3 = 55$	$P_3 = 13,1$
II. Юридик шахсларнинг депозитлари:	$V_{\text{юр. жами}} = 60$	$P_{\text{юр. ўрт. тортилган}} = 5,5$
жамғарма депозитлари;	$V_4 = 25$	$P_4 = 4$
муддатли депозитлар.	$V_5 = 35$	$P_5 = 6,5$

$$P_{AV} = \frac{(182 * 6,2) + (60 * 5,5)}{182 + 60} = 6,02 \%.$$

. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

